
МАВСУМ ЯҚИН...

Миришкорлар эртага қилинадиган ишга барвақт тайёргарлик кўришга одатланишган. Бу ғаллакорлар меҳнатига ҳам тегишли.Кўпчиликнинг ҳаракати билан минглаб гектар ғаллазорларда мўл ҳосил етиширилмоқда. Бошоғи бўлиқ буғдой поялари тилла рангга кирапти. Ҳадемай ўримга киришилади. Риштон тумани машина-трактор парки жамоаси 22 та - «Клаас даминатор», «Вектор-410», «Кейс» ва «Ню-холланд» русумли дон ўриш комбайнларини мавсумга шайлаб бўлдилар.Риштон туманининг буғдойзорлари баракали ҳосилдан дарак бериб турибди. Бошоқларда элнинг рисқ-рўзи намоён бўлаётир. Саноқли кунлардан сўнг янги мавсум хирмонларига ҳосил тўкилади. Кеча Риштон туманида кўчаларида комбайнлар иштирокида парад ташкил этилди.

2021-05-20 06:06:33